

Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 3 май Шанба. № 35 (14428)

АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ



30 апрель куни халқ депутатлари Андижон вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, идора ва ташкилотлар

раҳбарлари иштирок этди. Сессияда ташкилий масала кўрилди. Президент Ислам Каримов тавсияга биноан, республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари лавозимда ишлаб келаётган Қобилжон Обидов Андижон вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президент Ислам Каримов сессияда нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини батафсил таҳлил этди. Бу борада қўлга киритилган ютуқларни қайд этиш билан бирга, ислохотлар

самарадорлигини ошириш йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эътиборни қаратди. Сўзга чиққанлар Ўзбекистон халқи танлаган тараққиёт йўлини, инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун қўйилган

мамлакатимиз сиёсатини маъқуллаб, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган улғувор ишларни амалга оширишда ҳар бир юрдошимиз бор куч-ғайратини сарфлаши лозимлигини таъкидладилар.

Сессия ишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари М.Усмонов қатнашди.

(ЎЗА).

ЯНГИЧА ТАФАККУРГА — КЕНГ ЙЎЛ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ АНДИЖОН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Мухтарам халқ депутатлари! Азиз дўстлар! Авваламбор Ўзбекистонимизнинг Андижонде мўътабар масканда учрашиб, сиз азизларга ўз хурматим ва эҳтиромимни изҳор қилишга рухсат этгайсиз. Андижон нафақат мамлакатимизнинг, балки бутун Марказий Осиёнинг жаннатга тенг гўшаларидан бири бўлиб, бетакрор табиати, саҳий ва мард, гурурли, ориятли, меҳнатсевар кишилари билан ўзига муносиб ном таратган. Андижон бир неча минг йиллик тарихга, ўзига хос

анъаналарга, ноёб деҳқончилик мактабига эга бўлган юрт. Андижонда шаклланган хунармандлик ва саноат ишлаб чиқаришининг илк тажрибалари тўқимачилик, косиблик, темирчилик ва бошқа соҳалар қадимий ўзбек ишлаб чиқариш маданияти ва санъатининг сарчасмаларидан биридир. Андижон деганда кўз ўнгимизда буюк инсон, улкан шоир ва мутафаккир, давлат арбоби, темирйўллар авлоди Заҳриддин Мухаммад Бобур гавдаланади. Бобур биз учун том маънодаги буюк маданият, олий даражадаги шарқона

одоб ва ахлоқ тимсолидир. Андижон — буюк санъат ва маданият маскани. Бу ерда тугилиб вояга етган Аббос Бакиров, Сойиб Хўжаев, Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, улкан фан даргалари Тошмуҳаммад Саримсоқов ва Хадича Сулаймонова халқимизнинг фахрига айланган. Файратий, Оразий, Ҳабибий ва бошқалар ўзбек мумтоз шеърятининг йирик намояндалари сифатида бадиий тўз кудратини, ўзбек тили гўзаллигининг янги қирраларини кашф эта олган улғу санъаткорлардир. Бу заминда мустамлакачиликка қарши кураш,

миллий озодлик ва юрт мустақиллигини таъминлаш йўлида жон фидо қилган жасоратли кишилар дунёга келган. Жаҳидчилик ҳаракатининг улкан фаолларидан бири Сулаймон Келчикбоев, Дуччи Эшон сингари юзлаб халқ фарзандлари миллий маданият ривожини ва миллий озодлик учун курашдилар. Истиқлол қурбонлари ҳақида гап кетар экан, Абдулла Қодирий, Фитрат, Усмон Нодир қаторида андижонлик улкан шоир ва маърифатпарвар Абдулхамид Чўлпон номини эсламаслик мумкин эмас. Унинг тарихий хизмати бебаҳодир.

Бугун мустақил тараққиёт йўлидан бораётган эканмиз, ана шу улғу аждодларимиз орзуларини амалга ошираёلمиз. Улар кутган, умид қилган жамиятга асос солаёلمиз. Мамлакатимизда сиёсий, маънавий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, келажакимизнинг мустаҳкам пойдеворини барпо этишда андижонликлар муносиб хисса қўшмоқдалар. Янги мулкчилик шакллари яратиш, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш, саноат, қурилиш, ижтимоий

соҳаларда ижобий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Миллий меъморчилик услубида бозорлар, гузарлар, маиший хизмат шаҳобчалари қурилиб, қишлоқ инфраструктураси ривожлантирилмоқда. Қисқа вақт ичида спирт заводи, эркаклар қўйлаги ишлаб чиқарувчи «Анконтекс», тикув машиналари ишлаб чиқарувчи «Тиксанти», минерал сув, кетчуп, спагетти ишлаб чиқарувчи «МАСК» ва бошқа йирик саноат корхоналари ишга туширилди. Вилоят саноат мажмуидаги барча мулк шаклидаги корхоналарда ўтган йили

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
И. НЕЪМАТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҲИНДИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДА ВА МУХТОР ЗАЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА
Илҳомжон Неъматов Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулода ва Мухтор Элчиси этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. Каримов

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
И. НЕЪМАТОВГА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ФАВҚУЛОДА ВА МУХТОР ВАКИЛ ДИПЛОМАТИК МАРТАБАСИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА
Илҳомжон Неъматовга Биринчи даражали Фавқулода ва Мухтор Вакил дипломатик мартабаси берилсин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. Каримов

БОЗОР КЎРГАН БОЛАЛАР

Отчопар бозорга айлангандан бери унга бас кела оладигани нафақат республикада, балки Марказий Осиёда топилаётган ҳеч қандай сир эмас. Бозоримиз бозор, Корейдан, Амириқдан, Туркиядан, Тайвандан келтирилган моллар. Лекин, ҳаммасидан Хитой моллари устун экан. Албатта, сон жиҳатидан. Лекин, бу ҳам қизиқимизнинг иккинчи даражаси томони эди. Асосий эътиборимизни эса арава ҳайдаб, кинингидир сотиб олган молларини автомашина тўхташ жойига, яна кинингидир харидини эса автобус бекатига ташиб қўётган мактаб ёшидаги болалар ўзига жалб этди. Мактаб ва бошқа ўқув юрларида сабоқлар қизгин паллада бўлишига қарамай, бозорда бундайларнинг сонини ҳисоблаб бўлмайди.

Мен ҳам уларнинг биридан автобусга чарасларининг элтиб қилишини илтимос қилдим. У ҳам табиқий, бахонидил рози бўлди.
— **Исминг нима?** — срайман гап бошлаш

тез юр инстранийга ўхшайди», деб қачириб қолди.
Бекат олдида 20-25 ёшдаги йигитлар «Кока-кола» сотаётган экан.
Чанковбосди, деб уларнинг олдига бордим.
— **«Кока-кола»дан очинг.**
Узи қанча?
— Ингирма сўм...
— **Қоладан қанча қолади?**
— Бизга ҳар шашасини ўн бешдан беришади. Беш-олти сўм дегандай...
— **Ўқийсизларми?**
— Ҳа «Политех»да (техника университетиди) сирдан ўқиймиз.
— **Ким бўласизлар, битириб?**
— Мен нефть-газда, бу АСУда ўқийди.
— **Битириб, иш топа оларсизларми?**
— Битирялик-чи... У ёғига Худо पोшшо (қулимсираб қўяди). Турги, пул топиш керак. Нима қилин?

Нима бўлганда ҳам, XXI аср қурувчилари факатгина энёли, жаҳон андозалари асосида қоридида ўқитган ўшаларига эмас, бугунги бозор кўрган болалар ҳам. Бугун мактабдан қочса, эртага... Жаҳон иқтисодий назариясининг йирик олимлари Макронел ва Брю ўзларининг асарларида «Бозор иқтисодийнинг энг шифатли жараёни — бу очик бозор муносабатларидир. Унда факат тиришқок, абжирларгина, аникроги кучлиларгина яшай олади. Очик бозор кези келса ҳеч қандай қонуниятларга бўйсунмаслиги мумкин — деб таъкидлашади.

«УРГАНЧ ШАҲРИНИНГ ҚОҚ МАРКАЗИДА...»

Биз мустақилликка эришгач, ўз умрини яшаб бўлган коммунистик мафкура негиздаги ақидалардан воз кечиб, ўзлгимизга қайта бошладик. Аммо Урганч шаҳрининг қоқ марказида Хоразмда Шўролар тузумини ўрнатишда иштирок этганлар, адолатла тарихий ҳақиқат нуқтаи-назаридан туриб айтганда эса, миллатимиз бўйнига манкуртлик ва куллик кишанларини солишда мустамлакачиларга лаганбардорларча ёрдам берганлар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳамон ҳайхотдай майдонни эгаллаб турибди. Бугун биз ўзлгимизни таний бошлаган ҳур замонда миллатимизнинг буюк намоёндалари, халқимиз шон-шавкати учун фидойилик кўрсатган инсонлар номига шаҳар ва қишлоқларда ёдгорлик ўрнатсак савоб иш қилган бўламиз. Урганчдаги Шўро тузуми «фидойилари» шарафига ўрнатилган ҳайбатли ёдгорликни олиб ташлаш пайти аллақачонлар этди. Январ ойи охирида бўлиб ўтган фаоллар йиғилишида вилоят ҳокими Искандар Юсупов шаҳарда Огаҳий боғини барпо этиш ва ул зоти мукаррамга ҳайкал ўрнатиш кераклиги ҳақида гапирган эди. Бизнингча шоирга худди мана шу Совет давридан қолган ёдгорлик ўрнига ҳайкал тикласак ва унинг аτροφини дам олиш ва истироҳат боғига айлантирсак нур устига аъло нур бўлар эди.

ЭРПҲЛАТ БАХТ,
ТошДУ толиби.



Республика Президенти Мурунгов кониға асос солинганининг 30 йиллиги билан Навоий кон-металлургия комбинатининг Мурунгов кони жамоасига табрик йўллайди.

3 май куни жаҳон матбуот эркилиги куни сифатида бутун жаҳон афкор оммаси томонидан кенг нишонланади.

Мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 1994 йили Японияга буюрган ташириқ чоғида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Япониянинг Сакура банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланган эди. Кўни кеча эса Сакура банкнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси тапталани равишда очилди. Марказий Осиёда ягона бўлмиш ушбу ваколатхона Ўзбекистоннинг банк-молия соҳасидаги салоҳиятига оид маълумотларни йиғиш ва тарқатиш, маҳаллий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, ўз ишини бошлашни истаганларга тавсияномалар бериш билан шуғулланади.

XII Тошкент халқаро кинофестивали олдидан Киночиқар ўйида олмавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференцияси бўлди. Унда «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси раиси Т. Юнусов шу кунгача 53 давлатнинг 38 та киночиқари Тошкентга келиш истагини билдирганини айтди.

Тошкент денгизида денгиз қўққураши бўйича Ўзбекистоннинг очик чемпионати бўлиб ўтди. «Ватанпарвар» Мудофаага кўмаклашиш ташкилати марказий кенгаши томонидан уюштирилган бу мусобақа дастурига мерхалик, елканли қайиқлар пойғаси, кросс, эшак эшиши ва сузиш киритилган эди. Бу мусобақаларда республиканинг барча вилоятлари командалари, шунингдек, Россия федерацияси ва Қозғистон спортчилари иштирок этди. Спортнинг техника турлари республика маркази тарбияланувчилари Ўзбекистон чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни Тошкентдаги махсус болалар ва ўсмирлар техника спорти мактаби командаси эгаллади. Учинчи ўрин Фарғона вилояти «Ватанпарвар» Мудофаага кўмаклашиш ташкилати терма командасига берилди. Мусобақаларда Россия ва Қозғистон спортчилари ҳам яхши натижа кўрсатдилар.

ЖУРНАЛИСТИКА ТАЛАБАЛАР НИГОҲИДА
24 — 25 апрель кунлари Қирғизистон Давлат миллий университетидида ЮНЕСКО ташаббуси билан «Марказий Осиёнинг замонавий журналистикаси талабалари нигоҳида» мавзусида иллий — амалий конференция бўлиб ўтди. Унда Қирғизистон, Қозғистон, Ўзбекистондан жами 72 делегат қатнашди.
Унда иштирок этган олимлар, Олий ўқув юртилари талабалари, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари бундан кўн журналистикасининг энг, мустақил мамлакатлар тараққиётида тўтсан ўрни, унинг олдиди турган мақсад ва вазифалари ҳақида сўз қилишди.
Анжуман қатнашчилари мунтақада замонавий журналистика тараққиётига хизмат қилувчи мазкур конференция ЮНЕСКО ташаббуси билан Марказий Осиёнинг барча мамлакатларида мунтазам ўтказилиб туришини маъқуладилар.

«Туркистон» ва ЎЗА хабарларни асосида тайёрланди.

ДУШАНБА, 5

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
Тонги дам олиш дастури.
8.00—8.30 «Хафтаном».

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Кругозор». Тележурнал.

IV
18.45 Кўрсатувлар анониси.
18.50 «Мультикарusel».

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

SESHANBA, 6
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 Республика газеталарининг
шаҳри.
8.35 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Зорикиб кутилган кун».

12.00 ЎзТВ хазинасидан. Т. Тула,
Ф. Олимов, «Нодирабегим».
Муқимий номдаги Ўзбек Давлат
мусликий театрининг спектакли. 1-кисм.

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Бўёқлар жилоси». Теле-
фильм.

IV
18.45 Кўрсатувлар анониси.
18.50 «Мультикарusel».

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

CHORSHANBA, 7
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 «Альманах ТВ».
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш

этади: «Нафосатга бахшида
умр».
9.20 Маънавият. «Оханглардан
таралган меҳр».
9.40 «Истикболга интилиб». Пуб-
лицистик кўрсатув.

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

PAISHANBA, 8
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 «Альманах ТВ».
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш

премьераси. 5-фильм — «Кре-
мель девори олдидан».
19.45 Хайрли тун, кичкин-
тойлар!
20.00 «Время».

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

PAISHANBA, 8
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 «Альманах ТВ».
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш

сон манфаатлари йили».
21.20 «Эзо»с. Галаба кунига
бағишланган бадий-публицистик
курсаувар.

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

PAISHANBA, 8
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 «Альманах ТВ».
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш

20.40 «Муслика ҳамма учун».
21.30 Ўзлонлар.
21.35 «Туғатигша киришилсин».
Телевизион бадий фильм.
1 ва 2-сериялар.
00.15—00.20 Янгиликлар.

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

PAISHANBA, 8
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.25 «Альманах ТВ».
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиш

RJT
6.30 «Хайрли тунг!»
...
16.15 Марина Ладинава ва Ев-
гений Самойлов «Урушдан
кейин кеч соат олтида»
фильмида.

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

SHANBA, 10
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 Республика газеталарининг
шаҳри.

линг хужум».
19.45 Хайрли тун, кичкин-
тойлар!
20.00 «Время».

II
18.00 Кундалик.
18.10 «Эриллиш». Мульттўплам.

III
17.15 Янгиликлар.
20.40 «Шоҳсура сари йул». Спор-
т дастури.

IV
18.45 «Мультикарusel».
19.00 «Эриллиш». Мульттўплам.

RJT
17.20 «Тақдир исмли киз».
Сериял.

RAT
21.00 «Вести».

YAKSHANBA, 11
I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00—8.25 «Ахборот».
8.25 «Камалак». Болалар учун
кинодастури.



Иқтидорлилар — орт бахти
НОЁБ ҚОБИЛИЯТЛИ ҚИЗАЛОҚ



Нодира Қурбонова Сирдарё
шаҳридаги 3- мактабнинг 2
синфида таҳсил олади.
Ўқишлари намунали. У ҳам
бошқа тенкурлар катори
уйнақорлар. Велосипед мини-
шини, тўп уйнашни, аграмчида
сакрашни ёқтиради. Дугоналари
билан қувлашмачоқ уйнаб, эр-
так айтшади.

8.25 Республика газеталарининг
шаҳри.
8.35 «Ўзбектеlevision» намоиш
этиди: «Танбуур».
8.55 «Иктисодиёт чорраҳалари-
да».
9.15 «Морена Клара». Телесе-
риал.

Advertisement for 'Turkiston' newspaper. Includes text: "Туркистон" газетасига 1997 йилнинг иккинчи ярми учун обвора давом этмоқда! and contact information for subscriptions.



Қамагонга урлаганлар

Холида Ахророва

ИСТИҚЛОЛ ОДАМИ

(Унинг қаламига мансуб яна бир шеър топилди)

Нафақадалигим қўл келди-ю ҳужжатҳоқлар, кутубхоналар, китоб уйи (палатаси)да ишладим. 1920 йилдан то 1930 йилгача араб ва лотин алифбосида чоп этилган газе-та-журналлари ўқиш учун эски ўзбек ёзувини ўрганишга тўғри келди, лотин алифбосини эслашга ҳаракат қилдим ва уринишларим зое кетмади. Отамнинг эллика яқин мақолаларини «Маориф ва ўқитувчи» журнали, «Бу-хоро ахбори», «Озод Бу-хоро», «Иштирокиюн», «Турк сўзи» газеталаридан кўчириб олишга муваффақ бўлдим. Лекин отамнинг «Инқилоб» деган 4 парда-ли драмалари (айтишлари-ча «Изилар тўдаси» саҳнасида қўйилган) ва «Совчи» ҳамда бир қанча китобларини излайман. Кунни кеча бир қувонч-ли воқеа юз берди. Отамнинг кўпдан бери излагани-ни «Юртнинг товуши» деган шеърларини топдим ва араб алифбосидан кўчириб олдим. Шеър 1923-йилда «Нашур мао-риф» журналининг 3-со-нида босилган.

Отам Муҳаммад Саид Ахрорийнинг она юртва — она Ватанга бўлган муҳаббати, юрт олдидаги қардорлик туйғуси, не-не уринишлар билан ҳам ва-танини мустақилликка олиб чиқаолмаганлигига куй-иниш ҳисси юрагини ке-мириб ётгани шундоққина уфуриб турибди. Назди-да мен отамнинг дилини ўртаган дардини тушунган-дайман. Шўрлик отам — турли уюшмаларга бирла-шиб курашганлари билан Туркистонни мустақилликка олиб чиқишга кўзи етмаган ва она юртни истибод зул-мидан озод этиш узоқ йиллик ва серзаҳмат эканини англаган, балки бун-га ўз умри етмаслигига ишонган ва бу муқаддас вазифани эндигина ёру-дунёга келган ўғли — Аҳмадхон Ахрорга — яъни янги авлодга васыят қилаётгандай бўлади. Саид Ахрорийнинг тўнғич ўғли Аҳмадхон 1923-йилда таваллуд топ-ган. «Биз қилмаган, қилмаган ишларни сен бажар, юртдошларнинг кў-зи ёшларини арт, эрк учун кураш, душман устидан голиб чиқ, она юртни, элли қувнат, рақиб-ларингни йиғлат», деяпти муаллиф фарзандига ўз шеърда: ...Эшит болам, ҳар қайердан кейин албат ку-лак бор. Биз йиғлатдик юртни, лекин келажакда сен куй-ди!» Саид Ахрорийнинг ўғли

Аҳмадхон етти ёшида ота-сидан айрилиб, етим қолиб, Тошкентдаги 35-болалар уйида тарбияланди — унинг ҳатто туғилганлиги ҳақидаги гувоҳномада ота-наси дейилган савола: «35-нчи болалар уйи» деб ёзилган эди. 1933 йилдаги очарчиликдан омон чиқиб, Беньков номидаги рассом-лик ўқув юртини тугал-лаб, истеъдодли рассом бўлиб етишти, 1942-йилда урушга кетиб, 1944-йилда — йигирма бир ёшида Ленинградда остонасидки жангларда ҳалок бўлди. Аҳмадхон Ахроров у чоғларда бизлар Ватанимиз деб санаган юрт — СССР мудофаасида, отам ибораси билан айтганда «тортишди»ва эрк учун жон берди. Шаҳид кетган акамга эллик уч йилдан бери аза тугаман... Куйида истиқлол одами Саид Ахрорийнинг янги топ-илган шеърини эътиборин-гизга ҳавола қиламан. Бун-дан етмиш тўрт йил муқаддам ёзилган бу шеър сизда қандай таассурот қол-дириди? Билим келди. Сизлардан хабар кутаман. Интиқ кутаман...

ЮРТНИНГ ТОВУШИ

Қуюқ солмоқ керак бу кун карвон ўтган изларга, Кўп йилдириш у ерларда галми товуш оқидир. Бу тупроқлар, тоғлар, тошлар ватан эру бизларга, Унинг булук йилиси ҳам эконимизни ёқадир... Эшит болам, ҳар қайердан кейин албат кулак бор... Биз йиғлатдик юртни, лекин келажакда сен куй-ди!» Куймак эмас: кулак кунлар арабиди бу дийр, Бу қайсар, қора кунлар сенинг учун ултдир!

Қуллар қўш, йиғиларга, тортиш, жон бер эрк учун, Онанг кулсин, эл қунасан, душманларинг йиғласун... Муҳаммад Саид АХРОРИЙ

ЎШЛАР АРДОҒИДАГИ ОЛИМ

Тошкент Давлат Унвер-ситети ўзбек тилшунослиги кафедрасининг филология фа-нлари доктори, профес-сор Мирозид Миртожиев ўзи-нинг тинимсиз меҳнати би-лан эл ўртасида катта обрў-этибор топган зиёлидир. Мирозид ака ёшлигидан бошлаб сўз санъатига, сўзнинг сирли оламини қашқ эттишга меҳр қўйди. Бу меҳр унинг онасидан ўтган бўлса ажаб эмас. Чунки, оналари бадий адабиётга ҳавас билан қарар, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Усмон Носир, Ойбек, Рафур Фулом сингари адибларнинг асар-ларини кунларни тунларга улаб мутолаа қилар эди. Оилада ва ўрта мактабда бадий адабиётга ана шун-дай меҳр руҳида тарбиялан-ган Мирозид ака Низомий номидаги Тошкент педагоги-ка институтининг ўзбек фи-лологияси факультетига ўқишга кирди. Бу билим даргоҳида А. Фулом, Н. Мал-лаев, М. Асқарова сингари ўзбек филологиясининг етук олимларидан маърузалар тингладди. Айнакча профес-сор Айюб Фуломнинг маъ-рузалари Мирозид акани сеҳрлаб қўйди ва ана шу сеҳр таъсиридан у тилшунослик сирларини эгаллашга жазм қилди. Мирозид ака узоқ йиллар давомида сўзнинг кўча маъ-нолари юзасидан тадқиқот ишлари олиб борди. Ана шу кузатишлар якуни сифатида 1990 йилда докторлик дис-сертацияси тайинланди. М. Миртожиев серқирра олим. У ўзбек тилшуносли-гининг турли соҳалари бўйича юздан ортиқ илмий мақола, ўндан ортиқ моног-рафия, илмий — оммабоп рисоалар нашр этди. Бу

илмий асарлар ўзбек тили-нинг энг долзарб муаммо-ларини ҳал қилишга қара-тилган. Хусусан, ўзбек тилининг фонетикаси бўйича ҳал қилинмаган масалалар анча-гина эди. Ана шундай маса-лалардан бири товушларнинг талаффуз томони эди. Шу кунгача товушларнинг та-лаффуз томони бўйича олиб борилган тадқиқотларда бошқа тиллардан айнан ан-доза олинган, ўзбек тилидаги товушларни талаффуз қилишда қайси нутқ орган-ларининг қандай ҳолатда иштирок эттиши назардан четда қолар эди. Олим ҳар қандай андоза-ларни бир чеккага суриб қўйиб, ўзбек нутқ товуш-ларининг талаффуз томонини чуқур таҳлил этди. Бу билан ўзбек тили фонетикасида катта бурилиш ясади. Шунингдек, товушлар сўзлар тақибиде келиб, бир сўзни иккинчи сўздан фарқлаш вазифасининга эмас, балки маънони кучай-тириш ва тингловчиға таъ-сир этиш вазифасини ҳам бажаради. Лекин ўзбек тил-шунослигида олимларнинг эътибори асосан товушлар-нинг маъно фарқлаш томо-нига қаратилган бўлиб, унинг кейинги вазифалари кенг ўрганилмаган эди. Ми-разид ака ўзбек тилшуносли-гидаги ана шу кам ўрга-нилган соҳага ҳам катта эъ-тибор берди. Натýжада бу мавзуга бағишланган «Товушлардаги маънолар» (1982) асари май-донга келди. Унда товушлар-нинг маъно кучайтириш ва таъсир қилиш вазифалари атрофича очиб берилди. Олим ўзбек тилшуносли-ги фанида эришилган ютуқларни кенг жамоатчи-лик ўртасида оммалашти-риш борасида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқда. Унинг қаламига мансуб «Тилда шакл ва мазмун» (1989), «Тил ва маданият» (1992) сингари илмий — ом-мабоп асарлари омма ўрта-сида кенг тарқалди. Олимнинг раҳбарлигида шу кунга қадар йигирмага яқин ёшлар номзолики, бир нечта докторлик диссертаци-ялари тайёрланди. Бу эса Мирозид аканиннг ўзбек тил-шунослигида ўзига хос мак-таб яратди, деб айтишга ҳуқуқ беради. Истиқлол туфайли халқимизнинг маданий ме-росини, маънавий қадрият-ларини ўрганишга катта эъ-тибор берилди. Истибод даврида қўлланлиш доира-си ниҳоятда чекланган она тилимиз мустақиллик туфай-ли ҳур Ватанимизнинг Дав-лат тили бўлиб қолди. Бу катта тарихий воқеадан айниқса Мирозид аканиннг қувончи чексиз эди. Эндиликда эса олим учун бор имкониятни ишга солиб ишлайдиган вақт келди. Ёшларга домла илмининг сир-асрорларини кунт билан ўргатмоқда. Мирозид ака номзолик ва докторлик диссертациялари устида ишлаган ўндан ортиқ ёш тилшуносларга раҳбарлик қилмоқда. Шу улғу мақсадлари йўлида тер-тўкаётган домлага мустаҳкам соғлиқ — сало-матлик, оиласига хотиржам-лик тилаймиз. Абдухамид НУРМОҒОВ, Филология фанлари доктори, профессор, Андижон Давлат Университети проректори.

ЁШ УСТАЛАР ТАНЛОВИ

Наманганлик машҳур меъмор усто Мулла Қирғиз вилоят жамғармаси ҳар йили ўтказиладиган танлов қато-рига яна бир танлов қўшилди. Олдинги тан-ловларда вилоят қури-лиш бўлималари ишти-рок этган бўлса, янги-сида мактабларнинг ўн тўрт ёшгача бўлган ўку-вчиларига, шунингдек меҳнат жамоаларида қасб ўрганаётган ўсмир-ларга ўз ижодий қоби-лиятларини намойиш қилиш таклиф этилади. Бу танлов вилоят халқ таълими бошқармаси билан биргаликда таш-кил этилди. Танловдаги асосий топшириқ машҳур уста қурган ва меъморий ёқдорликка айланган биноларнинг, шунингдек ҳозирги даврда барпо этилган ва усто Мулла Қирғиз номидаги муко-фотга сазовор бўлган иморатларнинг макетини ясашдан иборат. Макет ясаш учун материал тан-лашда ҳеч қандай чек-лаш кўзда тутилмаган. Уни ёғоч, металл, пла-стмасса, ойна ва бошқа ҳар қандай материал-лардан ясаш мумкин. Танлов ташкилотчилари голиблар учун эсда-улуғ мақсадлари йўлида тер-тўкаётган домлага мустаҳкам соғлиқ — сало-матлик, оиласига хотиржам-лик тилаймиз. Абдухамид НУРМОҒОВ, Филология фанлари доктори, профессор, Андижон Давлат Университети проректори.

Жаҳонашта САЙРАМИЙНИНГ САРГУЗАШТЛАРИ

ҳақида талабалар дав-расида гап очилди-ю... Уларнинг сайёх мотоцикл-чи ҳақидаги таассуротла-рининг самимийлиги мени қизиқтириб қўйди. Тахририятимизга каска қучоқлаган йигит бир даста шеърларини олиб кел-ди. Уларга кўз югуртириб: «Фақат шеър ёзасизми?» — деб сўрадим. «Йўқ, мен мотоциклизм билан бошдан кечирган саргузаштларим тўғрисида бир китоб ҳам бошлаб кўйганман», — деди кўзлари порлаб. «Ие, Анвар Сайрамай деганла-ри сиз эмасми?» — дедим шовиб... Шундай қилиб кутил-маганда мен кутиб юрган суҳбат бошланиб кетди. — «Бола бошдан» дей-ишади. Анвар ака, бола-лигингизда узоқ — узоқ қариндошларингиз-никига тез-тез уйдан қочиб-кечиб юрган бўлсангиз керак... — Тўғри, арзимаган на-рсаларга аразлаган бўлардим-да, бирон қариндошимизникига жуф-такни ростлаб қолардим. Уша пайтларда «каттароқ саёҳат»га дўстим Сарвар билан уриниб кўрганмиз ҳам: ёғи таътил дамлари-да Чимкентга келиб, поез-да осилиб, Узоқ Шарққа боришни режалаштирган-дик. Афсуски, бу режамиз-ни поезда осилиб, иккита райондан ўтганимизда хар-бийлар барбод қилишган. — «Саёҳат»га чорлай-диган китобларни ўқиб турасизми? — «Бобурнома»ни яхши кўраман. «Уч денгиз оша саёҳат»ниям. Кўп китоб ўқиганингиз учун хаёлпарастсиз, хаёлпараст бўлганингиз учун шундай

ишларни қилиб юрибсиз демоқчисиз-да. Мен ўзим шунақаман. Бир қарорга келдимми, кўнглим шуни истайдими биров билан ҳисоблашиб ўтирмайман. Тўртинчи сафарим даво-мида Екатеринбургга ки-риб борсам «Сен ҳеч қан-дай сайёҳ эмас, шунчаки бир дайдисан» дейишди. Яхшики, қадрдон мотоцик-лимнинг ҳамма ёғига бор-ган юртларимнинг байроқчалари осилган, ёзувлар билан тўла эди. Ушбу исботларимни кўрган бир генерал шундай деган-ни ҳамон эсимда: «Сен бу дунёнинг одами эмассан, ёки биз ўзгарган кетган-миз». — Узи неча марта са-фарга чиққансиз? — Биринчи сафарим — 1989 йилда Сайрамдан Ўшдаги Сулаймон тоғигача бўлган. Иккинчиси Сай-рамдан Бухорои Шарифга-ча. Учинчиси эса... мен бу сафаримни алоҳида таъ-риқлаб ўтишни истайман. Чунки бу сафаримда бир кеча-кундузда 1200 қақирим йўл босиб ўтиб, Хивада ўтказилаётган собиқ «Ёш ленинчи» газе-таси кунларига етиб бор-ганман. У ердан эса Нукус-га ўтиб, қайтиб келганман. Тўртинчи сафарим Сай-рамдан Ленинградгача. Ва ниҳоят, бешинчи сафарим бир йил давом этди, яъни 1994 йил 30 августдан 1995 йил 12 сентябргача. Мен бу сафаримни Евроосиё дўстлик сафари, деб ата-дим. — Бунча олис йўллари-ни босиб ўтишингизга яра-ша занку-шавқлари қато-ри хаафи ҳам... — айтиб берайми? Бешинчи сафарим чоғи

қаттиқ қиш пайти, Кавказ-даги Казбек чўққисидан ошиб ўтишимга тўғри кел-ди. Шунчақам қалин қор ёққанки, мотоциклни юр-тишининг ҳечам иложи йўқ. Ичи алюмин усти кабел симлар билан зўрға тор-тиб кетаётсам симлар узи-либ кетди. Озиқ-овқат ҳам тугаб қолган, ҳолдан той-иб ўзимдан кетиб қолдим. Ароқнинг ҳиди димоғимга урилиб кўзимни очсам, те-памда курулли одам туриб-ди. Ушанда Грузия ва Осет-тиянинг жанжали давом этаётган эди. «Сен кимсан?» — деди у русчалаб. Ўзимни таниш-тирдим. Мақсадимни, кел-ган йўлларимни айтдим. Гапларимни эшитгач, осе-тиннинг жаҳли чиқиб, мен-га милтигини ўқталди-да: «Қўлингни кўтар, отаман ҳозир сени» — деди дўқ билан. Ҳайрон бўлиб: «Ни-мага?» — деб сўрадим. «Нега бизнинг пойтахтга кирмадинг? Ёки назаринг-га илмидингми?» дағдага билан сўради у. «Кечира-сан, мен шошилдим. Шу-нинг учун ўта олмадим». Қарасам, маст осетин ҳеч гапга тушунмади. Шарт қўлимни кўтардим-да: «Менга қара, оғайни, сен осетин, мен ўзбек, сенинг пойтахтинг билан менинг пойтахтим бошқа бўлгани билан, ҳаммамиз худонинг бир бандасимиз-ку? Агар тушунишни истамасанг, майли отсанг ота қол!» де-дим. Ҳартугул гапларим «ватанпарвар йўлтўсар»га таъсир қилди шекилли, милтигини тушириб, муно-сабатини ўзгартирди. Кей-ин эса бутунлай апок-чапоқ бўлиб кетдик. — Сизни юрткезар шоир деб ҳам эшитган-

дим. Мана бугун шеърларингизни ўзим ўқиб кўрдим. — Ҳа, шеърят жону дилим; Эшитинг: Кечган ҳар онингдан шодланма, э вох, Дур, донга узилди бу ёндин оғох. Яхши ва ёмонни фарқла, эй, фарзанд, Яшасанг ўзлингиз оқла, эй, фарзанд. Сафарларим давомида турли халқларнинг шоир-у ёзувчилари билан учраш-дим. Таассуротларим баён этилган «Саҳий инсонлар саҳовати» деб номланган китобимни ёзишга кириш-дим. Унда турли миллат вакилларининг урф-одат-лари, анъаналари, турмуш тарзи ва жуғрофий жойла-шиши ҳақида маълумотлар бўлади. Анвар аканиннг айтишлар-ига қараганда, Екатеринбургдаги мотоцикл заводи ишчилари: «Биз ишлаб чиқараётган мотоцикллар-га бундан ортиқ реклама йўқ» деб хурсанд бўлишган экан. Худо хоҳласа, олтинчи сафар ер шари бўйлаб бўлади. Киевдаги «Днепр» мотоцикл заводи: «Бизнинг мотоциклизмизда саёҳатни давом эттирсангиз», деб илтимос қилишган. Сафар собиқ мотоцикл-да давом этадимми ёки янги «Днепр» биланми? Буёғи Анвар акага боғлиқ. Ҳарҳолда 3800 қақирим ма-софани босиб ўтиш осон эмас. Сизни сафарингиз бехатар бўлсин деб тилаб-дуо қиламиз, Анвар Сай-рамай!

Мухтасар ТОЖИМАТОВА «Туркистон» мухбири.

WORLD CUP — 98

Ўтган чоршанба кун жаҳон биринчилиги Европа саралаш гуруҳларида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

- Греция — Хорватия — 0:1, Германия — Украина — 2:0, Арманистон — Шимолий Ирландия — 0:0, Исроил — Кипр — 2:0, Россия — Люксембург — 3:0, Норвегия — Финляндия — 1:1, Швеция — Шотландия — 2:1, Туркия — Бельгия — 1:3, Сан-Марио — Голландия — 0:6, Италия — Польша — 3:0, Ангелия — Грузия — 2:0, Югославия — Испания — 1:1, Австрия — Эстония — 2:0, Латвия — Белорусс — 2:1, Руминия — Ирландия — 1:0, Лихтенштейн — Литва — 0:2, Дания — Словения — 4:0, Швейцария — Венгрия — 1:1, Мальта — Фарер ороллари — 1:2.

ЮПДУЗЛАР САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

12 МАЙДАН 19 МАЙГАЧА ҚҮЙ. Ҳафта давомида чўнтагингизга пул тушиши мумкин, агар хизмат жойин-гиздаги ҳамкасбларингиз билан ҳамкорлик қилсангиз. БУЗОҚ. Бу ҳафта ақл ташқасини тўғри бошқаришга ҳаракат қилинг, афсус чекмайсиз. ЭГИЗАКЛАР. Атрофин-гиздаги билан илик муо-малада бўлинг, хушқайфият ҳафта давомида сизни тарк этмайди. ҚИСҚИЧБАҚА. Бехосдан унутган қадридонларингиз билан яна алоқа болашга ҳар-акат қилинг. Шундагина имко-ният эшикларини очилди. АРСЛОН. Ҳафта бошида молиявий аҳолининг яхши-ланса-да, охириги уч кунда қадамингизни ўйлаб боссан-гиз, қонун ҳимоячилари билан тўқнаш келмайсиз. ПАРИЗОД. Рухингиз қува-ти сўнгилгиз мулки. Ҳафта сўнгилда кайфиятин-гизда ўзгариш сезсангиз саб-



Махалламиз қизлари жуда очилиб кетаяптими, Боқийов? Эшонқуллов Махмуд суварти.

001 ХАБАР ҚИПАДИ Ҳафта давомида беғубор самони пага-нага булутлар қоплаб, тоғли жойларда ёмғир ёғиб, момақалдиқроқ гумбураши кутилмоқда. Лекин ҳарорат қизғалдоқ иссиғига қараб ҳаракатини давом эттираверадди. Кечқурунлари ўртача +15 +17 даража, кундуз кунлари эса +25 +27 даража иссиқ бўлади.

ТАДБИРКОР ВА ИШБИРАМОНЛАР ДИҚҚАТИГА Туркистон Қадим ва навқирон ўлка! «Туркистон» Республикада ягона ёшлар газетаси! «Туркистон» - арзон ва сифатли рекламага кафолатдир! Ёшлар ишонинг, ёшлар фаолиятингиз таянчи! РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР УЧУН тел. 33-95-97 33-79-69

Муассас: УЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛ» ЖАМҒАРМАСИ Ҳомий: УЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ «МАВБУТ ТАРКАТИ УЮШМАС» АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ Навбатчи муҳаррир: Мухтасар ТАЖИМАТОВА

ТАХРИРИЯТ: Кабулхона — 36-56-58, 33-95-97; Ёшлар бўлими — 36-54-64; Таърих бўлими — 33-79-69; Ижодкор ёшлар бўлими — 36-54-64; Спорт, ҳарбий ватанпарвар бўлими — 36-58-93, котибият — 36-54-66

Муаллифлар фикри тахририят нуқтани назаридан фарқланishi мумкин. Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ.